

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING XXVII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1986 йил 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 45 (8785)

1 март

1986 йил

шанба

Баҳоси 3 тийин.

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

ЗАМОН БИЛАН ХАМНАФАС

Шу кунларда барча совет кишиларининг, бутун дунёнинг нигоҳи Москва, Кремль, КПСС XXVII съездининг ишига қаратилган. Мамлакат ҳаётининг, умуман ҳозирги дунё ҳаётининг кескин бурилиш даврида бўлган бу улғу анжуманида қабул қилинадиган қарорлар да йиллар ва ўн йилликлар учун ҳаракатининг характер ва суръатлари, совет жамиятини сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтиши учун бўладиган ҳаракатининг характер ва суръатлари белгилаб берилди. Партия ва мамлакатимиз ҳаётининг энг муҳим масалалари съезд кун тартибига қўйилган. Уларни муҳокама этиш чоғида давримизни кенг қўламда, ленинчиллик идрок этиш вазифаси қўйилмоқда, реалистик, ҳар томонлама ўлчанган ҳаракатлар программасини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилмоқда, бу программани амалга оширишнинг улғурлиги ва имкониятларининг реалистик уйғун бўлиб кетиши, партия планлари ҳар бир совет кишининг орау-умидлари ва истаклари билан ҳамбарбас болганини лозим.

Худди ана шу омил Ўзбекистонда 28 февраль кун «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездида Сиёсий доклады» мавзусида ўтказилган ягона сиёсий кунга алоҳида кўтаринкилик, шу билан бир вақтда амалий вазият баҳс этиди.

Саноат корхоналари, қурилишлар, қолхоз ва совхозлар, муассасаларнинг меҳнат коллективларида, олий ўқув юртиларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток М. С. Горбачевнинг мамлакат коммунистлар анжуманидаги Сиёсий докладыда таърифлаб берилган қондалар ва ҳулосалар ҳусусида қизиқарли, конкрет сўхбатлар бўлиб ўтди. Иккунд марксизм-ленинизмнинг ана шу программаларини ҳужжатда жамиятимиз тараққиёти учун таъдил этилган, эришган муваффақиятларга реалистик баҳо берилган. Шу билан бир вақтда амалий фаолиятдаги нуқсонлар, ечимлар ва социал соҳадаги ноҳус жаранлар ҳусусида ва бу ҳодаларни содир этган сабаблар тўғрисида чинакам партиянинг принципиаллик билан сўз юртлаган. Сиёсий доклада олға қараб қиладиган ҳаракатининг мақсадлари аниқ-равшан белгилаб берилган, ишмизнинг бош йўналишлари, етилган вазифаларни ҳал этишининг йўллари ва методлари кўрсатилган.

Съезд минбаридан туриб Ўзбекистон шайнати қилган қаттиқ ва адолатли танқид ягона сиёсий кун иштирокчилари партияимиз жаҳонда тинчликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган йўлни ақдлий билан маъқуллаб, қўллаб-қувватлашларини изҳор этиди.

Ягона сиёсий кунда меҳнат коллективлари олдига Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолик кандидатуралари, Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, област, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари ва аъзолари, сайлаб қўйилган партия органларининг бошқа аъзолари, республика совет ва жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари сўзга чиқдилар. (ЎзТАГ).

ЯНАДА РИВОЖЛАНИШ ПРОГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток М. С. Горбачев 1986 йил 25 февраль кун Кремльнинг Съездлар саройида КПСС Марказий Комитети номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг

XXVII съездида қилган Сиёсий доклад алоҳида китобча этиб босмадан чиқарилади. Сиёсий адабёт нашриёти тайёрлаган китобча Москвада «Красный пролетарий» босмаханасида нашр этилади. (ТАСС).

БАРҚАРОР ТИНЧЛИКНИ ИСТАЙМИЗ

УЛУГ' БАТАН уруши қатнашчиси сифатида мен учун ўрток М. С. Горбачевнинг КПСС XXVII съезди минбаридан туриб айтган қўндаги сўзлари айланиб қимматлидир: «Биз инсониятнинг омон қилиши ёки қолмаслиги тўғрисидаги саволга жавоб тариқасида «йўқ» сўзини қабул қила оламиз. Биз: иккунд партия тараққиёти, цивилизациянинг ҳаёти давом этиши лозим ва албатта, давом этади, деб айтаман. Бу — бутун совет халқининг энг ағу орау-тилати. Мен қаби уруш қўрган, унинг барча даҳшатларини ўз бошидан кечирган киши-

лар учун тинчлик янада қадриятли.

Уруш туйфайли ёшлик йилларимиз бирмунча огир кечган бўлсада, кейинги тинч тинчликнинг даврида фаровон ҳаёт ағси бўлди. Олти фарзанд ўстириб воята етказдим. Уларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўринларини топишган. Аҳил-ноҳ ва тўкин-соқилликда ишамоқдамиз. Бунинг ҳаммаси тинчлик туйфайли. Шунинг учун ер юзиде барқарор тинчлик бўлишини истаймиз.

М. ШУКУРОВ,
1944 йилдан КПСС аъзоси, шахсий пенсионер.

ҲАР КУНИ УНУМЛИ

«АЛМАЛИКРАМОР» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қорақушхона участкаси коллективи корхонанинг илгор, ташаббускор участкаларидан ҳисобланади. Коллектив съезд шарафига ўтказилган зарбдор йўн кунликларда актив иштирок этиб, бу меҳнат беллашувида доим ролиблар сафиде борди. Учаскининг Юрий Анобев, Юрий Томиаев, Игорь Мишин сингари илгор тош қирқувчи машинистлари нормаларини ҳар кун 130—150 процентга етказиб бажаришди, ҳаммасла-

рига ўрнат бўлишди. Ана шу илгорлар шарафати туйфайли участка коллективи съезд очилганидан кунгача икки ойлик топириқларини бажариш юзасидан олган соқилистик мажбуриятларини муудлатидан ача илгари удралашга муваффақ бўлди. Учаски аъзолари съезд кунгача чорвага берилганда оҳақ ишлаб чиқариш жош аралаш ишларни амалда ошпирида ҳар доимгиде ҳар кун унумлироқ ишлашга сўз берилди.

Ш. ИБРОХИМОВА.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг бориши тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

27 февраль кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездида Сиёсий докладыни ҳамда КПСС Марказий ревизия комиссияси ҳисобот докладыни муҳокама қилиш давом этиди.

Съездда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси М. С. Соломенцев, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. Гришкявичус, енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи Волжск «Автоваз» бирлашмасининг бош директори В. И. Исаков, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Махкамов, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, СССР Езувчилар союзи правленисининг биринчи секретари Г. М. Марков, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полозов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездида Сиёсий доклады, янги тахрирдаги КПСС Программаси ва КПСС Уставидеги ўзгаришлар юзасидан резолюциялар лойиҳаларини тайёровчи комиссия тузди.

Сўнгра съездда Португалия Коммунистик партиясининг Бош секретари Алваро Куньял, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Корея Халқ-демократик Республикаси Маъмурий Кенгашининг Бош министри Кан Сен Сан, Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиумининг секретари Димче Беловский ўртоқлар табрик нутқи сўзладилар.

1986 йил 28 февраль кун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталаби мажлисда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездида Сиёсий докладыни ҳамда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладыни муҳокама қилиш юзасидан музокараларда СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. М. Чебриков, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. М. Масалиев, Удмуртия АССР «Йжмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси парткомининг секретари Ю. И. Лобов, КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари С. И. Манякин, «Мосметрострой» 8-қурилиш-монтаж бошқармаси прохоткачилари бри-

гадир А. С. Суханов, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. С. Демирчян, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. М. Мишин ўртоқлар қатнашдилар.

Съездни Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг раиси ўрток Менгисту Хайле, Марнам табриклади.

Сўнгра музокараларда СССР Маданият министри П. Н. Демичев, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Гросу, Ўзбекистон ССР Хоразм областидаги Урганч мактаб-интернатининг директори М. Екубова, КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари В. И. Калашников ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Сўнгра Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Гастон Плиссонье, Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал ўртоқлар съездни табрикладилар.

СЪЕЗД КУНДАЛИГИ

27 февраль кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездида Сиёсий докладыни ҳамда КПСС Марказий ревизия комиссияси ҳисобот докладыни муҳокама қилиш давом эттирилди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси М. С. Соломенцев сўзга чиқиб айтдики, съезддаги ишчанлик вазияти, ошкора иккунд мунозаралар, етилган проблемаларга новаторлик билан дадил ёндашуш тўғри, илмий асосланган қарорлар ишлаб чиқилди, деб ўйлаш учун ҳамма асосларни берди. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми олға сурган мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш кўзловчи стратегия йўл-йўриқ қайратли-амалий ҳаракатларга кучли бир омил ҳисоб этиди.

Партия иқтисодий вазиятдаги ўзгаришларга ўз вақтида ва тегишли тарзда баҳо берилмаганлигидан тўғри сабақлар чиқарди. Экстенсив ривожланиш манбалари амалда тугаб бўлганлиги 60-йилларнинг охиридаги аён бўлиб қолганди.

Партия ва давлатни алдаш, кўзбўямачилик, ҳўна-қўрсинга иш қилиш ҳоллари пайи сўнгги вақтларда тегишли тарзда қирқилмади, деди нотиқ. Тўғри, қўнлик кадрларнинг масъулият билан, эўр бериб ҳалол ишлар ва ҳозир ҳам шундай ишламоқда. Иккунд тарққиётнинг мураккаб масалалари кўн жиҳатдан шу кишиларнинг тиришқоқлиги ва фидокорлиги туйфайли муваффақият билан ҳал этилди.

Партия ҳамма хил бузиллишлар — консерватизм, масъулиятсизлик, кунистеъмол қилишларга қарши мурасаса, кескин кураш олиб борди.

Сўнгра нотиқ партия контроли вазифалари ҳусусида муфассал тўзатиб, Марказий Комитет натабат ишлари ҳамма мансабдор шахсларга, барча коммунистларга жорий этилишини талаб қилди. Таъкидлангани таъкидлаб, ўзи ҳам шундай назорат қилишда ўрнат бўлмоқда, деди.

Нутқда бутун социалистик контрол системасини мувофиқлаштириш масаласи тилга олинди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладыда маънавий тарбия, партия аъзосининг пок ва ҳалол бўлиши учун кураш масалалари мутлақо, тўғри ва ўз вақтида қўйилди, деди нотиқ. Коммунистнинг юксак ахлоқий сифатларга эга бўлиши тўғрисида барча партия ташкилотлари, партия комитетлари доимо ғамхўрлик қилиб туриши лозим. Партияда ҳамма учун инти-

зом бир хил, ҳеч ким алоҳида шарафат яратилишини даъво қилмайдми.

Сўзга чиққан делегатлар КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладыдаги йўл-йўриқ ва ҳулосаларни тўла-тўқис маъқуллаш тўғрисида айтган тақдирларга таоминла қўйилмади, деди Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. Гришкявичус.

КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорларининг хайри тасири ҳамма жойда яққол кўринмоқда. Сиёсий доклада айтилгандек, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш катта аҳамиятга эга. Республиканинг партия ташкилоти ҳам куч-ғайратини мана шунга сарфламоқда.

Хуллас, бутун мамлакатдаги сингари республикада ҳам иккунд ўзгаришлар кўриниб қолди ва улар бизга умидворлик бахш этмоқда. Аммо биз, ҳали босиб ўтишли лозим бўлган йўлнинг бошидагина турганлигимизни яхши биламиз. Биз ҳали ҳар бир меҳнат коллективи бир маромда ишлашга ва уларнинг ҳар бири давлат планларини сўзсиз бажаришга, айниқса шартномаларга мувофиқ мақсулот етказиб берилишини назарда тутган ҳолда шу планларни адо этишга муваффақ бўла оламиз. Мажбур ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўқис фойдаланилмапти.

Енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи Волжск «АвтоВАЗ» бирлашмасининг бош директори В. И. Исаков Волжск автомобилсозлари ҳўкуматининг рухсати билан бултур ҳўжалик юртишининг янги методларига ўтганликларини съездга маълум қилди.

Шундан сўн нотиқ, мақсулот сифатини ошириш проблемаларига, янги автомобилларни ишлаб чиқариш йўлга қўйишда коллектив дуч келаётган қийинчиликларга тўхталди. Одатда кўпгина корхоналар ва министрликлар янги комплектовчи мақсулот ва прогрессив материалларни тайёрлашга шай бўлмади. Аввало, СССР Госплани, СССР Фан ва техника Давлат Комитети янги техника яратиш борасида комплекс планлаштириш ва ишларни керакли тарзда мувофиқлаштириш амалга оширмаслиги сабабларидан шундай аҳвол келиб чиқмоқда.

Бирлашма меҳнаткашлари, деди нотиқ, партия анжумани очилганидан кунгача пландан ташқари 5 миллион сўмликдан кўп мақсулот, шу жумладан 1500 та енгил автомобиль тайёрладилар, деб маълум қилди нотиқ.

Тожикистон Компартиясининг делегатлари, деди республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К.

Махкамов, шу кунларда ға партия ташкилотлари билан алоқа боғлаб турибдилар ва партия Марказий Комитетининг Сиёсий доклады республика коммунистлари ҳамда меҳнаткашларида эўр қизиқиш уйғотганлигини ва улар бу докладыни қизгин маъқуллаётганликларини айтди. 1985 йилнинг апрель ойида бошланган ошқора, ҳалол ва талабчанлик руҳидаги ғал бутун съездда давом эттирилмоқда, булар халқимизнинг кўнлидаги ғаллариди.

Ленин кўпгина партия комитетлари ҳозирча янгликни қарор топтириш учун курашининг қизгинлигини ҳамма кўни партия аъзалари ва меҳнат коллективлари га етказоа олмаётганликлари таъкид тўғрисида. Мустақиллик ва принципиалликни ҳалиқсизраб рўбга қинараётган, ҳардамхаёлилик билан иш юрיתהётган бошланғич партия ташкилотлари ҳали анчагина. Бир қанча жойларда салбий ҳодисаларни бартараф этиш ўзимизга эмас, балки юқори органларга боғлиқ, деган фикр бор.

Етилган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишининг энг муҳим шарти — кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ленинча принципларга қатъий риоя қилишдир, деб таъкидлади нотиқ.

Съездимиз ишига чинакам реализм ва новаторлик, асослаб берилган оптимизм руҳи сингит кетган, деди КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц.

Шунинг айтишим керакки, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми талаблари асосида партиявий раҳбарлик услуб ва методларини қайта қуриш областимизда биз истагандек жадаллик билан бораётгани йўқ.

Нотиқ област халқ ҳўжалиги ривожининг суръатлари секинлиги, социал соҳадаги номуваносбликлар таъкид тўғрисида таъкидлаш айтиб, корхоналарни техниканавий жиҳозлаш паст даражада эканлигига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, тармоқлар туташадиган ерда экономика анчагина зарар кўрмоқда.

Эндиликда Москва ва областнинг маҳаллий табиий ресурсларга эътиборини қондиришда мураккаб вазият юзага келди. Бу ерда марказий иқтисодий район манфаатларини ҳисобга олиб пойтахт регионининг комплекс тараққиётини таъминлаш мақсадида умумдавлат даражасида йирик тадбирларни амалга оширмоқ учун қатъий зарурат туғилди. Делегат бу тақдифи мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришининг Ассий йўналишларида акс эттиришини тавсия этиди.

Апрель Пленумининг руҳи адабиётчиларимизни ҳаяжонга солди. Уларнинг партия ва халқ олдидаги масъулиятини оширди, деди СССР Езувчилар союзи правленисининг биринчи секретари Г. М. Марков.

Марияний Комитетининг замонамизнинг ленинча таълилга тўлиқ батафсил Сиёсий доклады, адабиётдаги камчиликларнинг таъкид қилинганлиги, съезд қабул қилдиган программани ҳўжатлар кенг уфқда очиб беради, янги нақшлар ва зафарларга эришмоқ учун бадий тафаккурга қурол бўлади. Кўп миллатли совет адабиёти давримиз ҳақралик образини яратиб борасиде жауда катта таъкид тўлади. Ленин эндиликда ана шу таъкиднинг ўзи кифоя қилмайдми.

Кейинги йилларда ҳаётини позицияси аниқ равшан, маънавий дунёси бой, феъл-атвори мураккаб бўлган инсон образи ўрнига, давр аломатлари сезилиб турсалар, замонашимизга унчалик ўхшамайдиган кишилар образи тасвирланган асарлар сонини кўпайиб бораётганлигини таъкидлашди, деб давом этди нотиқ.

Кўпгина китобхоналар билан учрашувларда «Авалларда сиздан нима мерос қолди?», деб ҳақдан сўраб қилишди. Бу ҳақда ўйлашимиз даркор — тарих олдида замонамиз учун жавабгарлик бизни шунга даъват этади.

Партия бизни ўз ишимизда юксак профессионализм ва ғоявий етукликка, Ватанинг тўб қисматлари бевосита ҳал этилаётган меҳ-

наткашлар коллективлари билан жауда мустаҳкам алоқалар ўрнатишга даъват этмоқда.

Бадий эниелар, деб таъкидлади у нутқининг биринчи қисмида, партия сийатини, унинг йўлини чин қўнлидан қўллаб-қувватлаб, партияимиз ғоялари ва планларини амалга ошириш учун курашини ўзларининг жонажон ишлари деб йилдилар ва бунинг учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Съездга тайёргарлик юзиде ўлға партия ташкилотининг апрель Пленуми талаблари асосида кадрларни жадаллик билан қайта қуриш ишига жалб этишининг энг муҳим вазифаси деб билди, деб таъкидлаб ўтди Краснодар ўлка партия комитетининг биринчи секретари И. К. Полозов.

Сиёсий докладада — деди нотиқ, КПССнинг айрим ташкилотлари ҳаётида рўй берган жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Бу таъкид, бизнинг шайнмизга ҳам айтилганлигини биламиз. Ўзлар партия ҳаётининг ленинча нормалари ва принципларидан чекиндилар содир бўлган маълум. Биз ўки бу тарзда обрўсини тўкиб қўйган ҳодимлардан ҳоли бўлидик. Ҳодимлар янги ишга қўтарилаётганда ошқора танлаш усулини қўлламоқдамиз. Номзодлар аввало болангич партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида муҳокама қилинмоқда.

Сўнги йилларда, деб таъкидлади нотиқ, нима учун деган сўзларнинг ўз мажбуриятларига қараганда, ҳу-

қуларни ҳақда кўпроқ гапириб, кўпроқ ёзадиган бўлдик. Виждонли меҳнаткаш ҳозир ҳам илгаридек ҳалол ишлаб, ҳалол яшамоқда, бизнинг ҳамма ишларимизда фаол иштирок этмоқда. Дангасалар ва юлчилар, учарлар ва бракчилар орномус қилмай муқофотлар ва путёвқалар, квартиралар ва автомобиллар талаб қилмоқдалар.

Ленин, уларнинг кўзига тик қараб, сиз бунга муносиб эмасиз дегувчилар кўп эмас. Агар принципиал раҳбар меҳнат интизомини аъзунини қонунини тарзда қатъий тергаса, дарҳол шиқоят, кўп ҳолларда имзосиз шиқоят ёғилди. Баъзи газеталар, жамоат ташкилотлари, ҳўкуқ-тартибот органлари ишининг моҳиятини пухта ўрганмай қўнча ана шундай қолчиқларни ҳўмия қилмоқдалар. Бу ахлоқ нормаларимизга, социал адолат принципларига зиддир.

Шу босида ҳам партиянинг тартибни, ишлаб чиқариш ва турмушда интизомни мустаҳкамлаш, меҳнат мезонини билан истеъмол мезонига қатъий риоя этиш ҳақдаги талабни меҳнаткашлар ақдидили билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Съездда КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездида Сиёсий доклады, Программанин янги тахрири ва КПСС Уставига ўзгаришлар юзасидан резолюция лойиҳаларини тайёрлаш комиссияси тузилди.

(Давоми 2-бетда)



● МОСКВА. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди. Суратда: Кремлдаги Съездлар саройи фойесиде.

В. Кошевой фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVII СЪЕЗДИ

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ СОВЕТ КИШИЛАРИНИ РУҲЛАНТИРМОҚДА



Людмила ПАВЛЮХИНА,
Чирчиқ трансформатор
заводининг қалайловчиси:

— Съезддаги танаффуслар пайтида делегатлар билан ўзаро суҳбатларда таассуротларимизни, коллективларимиздаги ишлар ҳақида фикр олаётганимиз.

Трансформаторчиларимиз съезд иш бошлагани шарафига икки кун тежалган материаллар ва электр энергия хисобига ишлашга аҳд қилган эдилар. Улар сўзларининг устидан чиқдилар. Биз январь ойида бир кун, ҳамда КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилган коммунист шанбадаги тежалган хом ашё ва материаллардан маҳсулот ишлаб чиқардик.

КПСС Марказий Комитетининг съездга Сийёсий докладида тежамкорлик масаласи жуда кескин қилиб қўйилди. «Партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари тежамкорлик масалаларини доимо назарда тутишлари, хом ашё, электр энергия, ёнилғини тежаштириш ва оқилона сарфлаётган кишиларни қўллаб-қувватлашлари лозим, — деб ўқитди ўртоқ М. С. Горбачев, — шундай қаттиқ тартиб ўрнатилган кераки, натижада ресурслардан ортиқча сарфлашдан манфаат бўлмасин, тежаш эса сезиларли даражада тақдирлансин». Бу кўрсатма барча меҳнат коллективлари учун, жумладан бизнинг за-

вод коллективи учун ҳам қонуни бўлиб қолишига аминман.

Коммунистик партияимизнинг хотин-қизлар тўғрисида донийм ғамхўрлик қилаётганликлари ҳам алоҳида таъкидламоқчи эдим. Ўн иккинчи беш йилликда аёллар учун тўлиқ бўлмаган иш кунини ёқиб қисқартирилган иш ҳафтаси, уйда ишлашни кенг қўламда жорий этиш, болалик оналарга янги имтиёзлар бериш мўлжалланаётгани бунинг янги далилидир.

Меҳнатнинг муносиб қадрланаётгани, сенга чинакам меҳрибонлик кўрсатилаётганини ҳис этиб турганимдан кейин халқ, жамият манфаатлари йўлида янада яхшироқ, унумлироқ ишлагинг келади. Биз коммунистлар КПСС XXVII съездида қабул қилинадиган қарорларни ҳаётга татиқ этиш учун курашининг олдинги сафарида боришимиз шарт.

Фикрет СЕФЕРШАЕВ,
Чиноз районидаги
«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозы бригада бошлиғи,
СССР Олий Советининг
депутати:

— КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездида Сийёсий докладида колхоз ва совхозларни замонавий техника воситалари

билан тўла-тўқис таъминлаш ҳақида оқилона фикрлар айтилди. Ҳақиқатдан ҳам янги техника ҳосилдорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳозирги мавжуд техника воситалари қилпоқ ҳўжалик талабларига тўла жавоб бермапти. Масалан, бизнинг бригадада ҳосилнинг деярли 40 проценти қўлда йиғилтириб олинади. Сабаби — пахта териш машиналари тоза термайди. Терим машиналарини такомиллаштириш керак.

Олимларимиздан яна бир талабимиз шуки, пахтанинг вилтага чалинмайдиган, толаси узун, серҳосил навларини яратиб берсинлар. Ҳозир навлар қўп. Лекин улар пахтакорнинг кўнглидагидек эмас. Экин экин масъуми олдиндан қайси навини танлашни билмайсан. Чунки вилтага чидамлироқ бўлган навининг толаси қисқа, толаси яхшиси эса вилтага чидамсиз. Ўтган йили биз «Тошкент-1» навини эдик. Лекин, унинг толаси яхши бўлмади. Натижада даромад аввалги йилга нисбатан деярли 70 минг сўм кам бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездида Сийёсий докладида фантехника тараққиётини жадаллаштириш, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи қучларини тубдан ўзгартириш, зарурлиги қайд этилди. Ҳақиқатдан биз халқ ҳўжалигини ривожлантириш учун фантехника ютуқларига асосланганимиз керак. Энди олимларимиз, конструкторларимиз ишлаб чиқаришга жуда ақин бўлишлари, ишни тубдан ўзгартиришда биз билан елкама-елка туришлари керак. Қисқаси, самара бермай чанг босиб ётган «илмий ишлар»га чек қўядиган вақт келди.



Чирчиқ трансформатор заводи коллективи КПСС XXVII съездининг меҳнатда юқори кўрсаткичлар билан кўтиб олди. Корхонада ўтказилган съезддаги социалистик мусобақасида барча бригадалар актив иштирок этди. Айниқса, К. Павлов бошлиқ трансформатор йиғувчи-лар бригадаси коллектив доим пешқадамлар сафида бўлди. Съезд кунлари бу илгор коллектив смена топиришларини 110 процентта етказиб бажаришга сўз берган. Суратда: К. Павлов (чапдан ўнггача) бригада аъзолари билан таништирилмоқда.

А. Зуфаров фотоси.

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ, ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Шу кунларда барча совет кишиларининг нигоҳи мамлакат коммунистларининг анжумани ўтаётган Москвага қаратилган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети номидан съездга қилган Сийёсий докладида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш проблемалари ўртага қўйилди. Бу проблемалар Ўзбекистон меҳнатчиларининг оғи ва қалбига мустаҳкам жо бўлди. Республика меҳнатчилари партиянинг совет кишилар турмушининг моддий ва маънавий даражасини янада оширишга қаратилган тинчликсевар йўлини яқинлик билан қўллаб-қувватламоқдалар, совет Ватани куч-қудратини ўзларининг зарбдор меҳнати билан мустаҳкамлашга, мавжуд камчиликларини бартараф эттишга, Ленин партиясининг барча режаларини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшиш учун янада зўр ғайрат билан курашишга азму-қарор берганликлари айтмоқдалар.

МУАММОЛАР
ҲАЛИ ҚўП

В. ЛАЗАРЕВ,
«Ангренский» кўмир
разрезининг экскаватор
машинисти:

— Шу кунларда бизларнинг ҳаммамиз партия XXVII съездида КПСС Марказий Комитети Сийёсий докладининг зўр таъсири остида яшаймиз, мен ҳам бу ҳужжатни диққат-эътибор билан ўқиб қўйдим. Келгуси ишлар кўламини, турмушининг барча соҳаларида партия белгилаётган тубдан қайта қуриш мазмунини тўла даражада англаш учун докладга қайта-қайта мурожаат қилишимиз керак бўлади, албатта. Мен ҳозир фақат дастлабки таассуротларимни ўртоқлашганини айтишман.

Докладда жамиятимизнинг янада ривожлантириш йўллари аниқ ва равшан белгилаб берилган. Биринчи навбатда, шунингдек, истиқболдаги вазифалар илмий жиҳатдан лўхта таърифланган. Унда олдга томон ҳаракатимизга ҳалақит берган барча нарсалар ҳақида Лениннинг руҳи-рост айтилган. Ҳақиқат сабоғи тўғрисида, ўтмишнинг масъулият билан таҳлил этиш келажакка йўл очиб бериши, ўтмишнинг қилган қилмаган ишларини ҳаққига ҳалақит бериши тўғрисида ўртоқ М. С. Горбачев айтган гаплар илмий коммунист сифатида мени айлантираётган ҳақиқат бўлди.

Тўғриси айтсам, узоқ вақт бизнинг разрезимизда ана шу жиҳатлар кўпинча четлаб ўтилди. Кўмир қазиб олиш планларини бакарардик ва ошириб бажарардик, мунофотлар олардик, бирок, бунга қандай эришилаётганлиги тўғрисида лом-мом демасдик. Галаба рапортларини қўзлаб, ёқилган қазиб олиш технологиясини бузилишга йўл қўйилди. Фақат ҳозирги кунни ўйлардик, истиқболни кўрсатдик. Бу қандай натижаларга олиб келганлиги маълум: ўтган йилнинг ўзидagina разрез

халқ ҳўжалигига салнам бир миллион тонна кўминин кам етказиб берди.

Таассуфки, ҳозир ҳам разрезимиз ва «Средазуголь» бирлашмасининг айрим раҳбарлари ҳали зарур ҳўлоқлар чикариб олмадилар, ҳамон эскичасига ишлайтилар. Аммо вақтининг ўзи ишга бошқача ёндашувини талаб қилмоқда. Ишда кўпроқ масъулият, тартиб-интизом бўлиши керак. Ҳар бир киши ўз иш жойида куч ва билиминини тўла сарфлаб меҳнат қилиши керак. Шу тариқа жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштиришга қаратилган йўлни амалга ошира оламиз.

ТЕХНИКА
ТАРАҚҚИЁТИ—
ДАВР ТАЛАБИ

М. ҚОРАБОВЕВ,
Тошкент тўқимачилик
кобинати 1-тўқув фаб-
рикасининг мастер ёр-
дамчиси:

— Барча совет кишилари қатори комбинатимиз ишчи-хизматчилари ҳам шу кунларда партияимизнинг XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарининг ўртоқ М. С. Горбачевнинг доклади таассуротлари билан иламоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Сийёсий

докладнинг ҳар бир сатри, ҳар бир сўзи гоит мазмунга бой. Унда қилинган ишлар чуқур таҳлил этилди ва истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳар томонлама аниқ белгилаб берилди.

Сийёсий доклад билан танишар эканман, унинг ишлаб чиқаришнинг механизациялаш ва автоматлаштиришга кўпроқ эътибор бериш кераклиги ҳақидаги жўмаларини зўр қониқиб билан ўқидим. Чунки, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш катта иқтисодий самара бериши ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам бу масалани ҳамма жойда муваффақиятли ҳал этиш мўҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтан-назардан қараганимизда бизнинг комбинатимизда бу соҳада талайгина ишларни амалга ошириш талаб этилади. Чунки, ҳозирги вақтда фойдаланилаётган кўпчилик асбоб-ускуналар, дастгоҳлар анча эскириб қолган. Улар замон талабларига жавоб бермай қоляпти. Бундай машина-механизмларнинг унуви ва унинг ёрдамида ишлаб чиқарилаётган газламаларнинг сифати кўнглидагидек бўлмапти. Шунинг учун ҳам комбинатимизни техник жиҳатдан қайта ускуналаш, энг замонавий дастгоҳлар билан таъминлаш учун барча чораларни қўриш лозим. Бу келгусида олдимизда турган барча вазифаларнинг муваф-

фақиятли ҳал қилинишига салмоқли ёрдам берган бўларди.

